

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01. 2020.PED.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗУЛЛАЕВ ЖАМШИД ИСМОИЛЖОНОВИЧ

**ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ
КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)
on pedagogical sciences**

Файзуллаев Жамшид Исмоилжонович

Техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий
компетентлигини ривожлантириш..... 3

Файзуллаев Жамшид Исмаилжонович

Развитие профессиональной компетентности студентов технических
высших образовательных учреждений..... 23

Fayzullaev Jamshid Ismoiljonovich

Development of professional competence of students of technical higher
education institutions 43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 47

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.01. 2020.PED.26.01 РАҚАМЛИ
ИЛМий КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ФАЙЗУЛЛАЕВ ЖАМШИД ИСМОИЛЖОНОВИЧ

**ТЕХНИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАЛАБАЛАРИНИНГ
КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи.

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

The theme of the dissertation of the Doctor of Philosophy (PhD) on pedagogical sciences was registered by the Supreme Attestation Commission of the Cabinet of Ministry of the Republic of Uzbekistan under the number B2021.3.PhD/Ped1413

The dissertation has been prepared at Tashkent State Pedagogical University.

The abstract of the dissertation is available in three languages (Uzbek, Russian, English (abstract)) on the Scientific council website (tdpu_kengash@edu.uz) and on the website Ziyonet information and educational portal website www.ziyonet.uz.

Scientific adviser:

Khalikov Azam Abdusalomovich,
doctor of Pedagogical Sciences, Professor

Official opponents:

Karlibaeva Gulzhakhon Ermekbaevna
doctor of Pedagogical Sciences

Rakhmatova Feruza Abulgasimovna
doctor of Philosophy in Educational Sciences,
(PhD), docent


Leading organization:

Samarkand State University

The Defense will take place on « 22 » 01 2022 at 200 at a meeting of the Scientific Council DSc.03/30.01.2020, Ped.26.01 at Tashkent State Pedagogical University (Address: 100125, Tashkent city, Chilanzar district, Bunyodkor street, 27. Tel: (99871) 276-79-11; fax: (99871) 276-76-51, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz).

The doctoral dissertation can be reviewed at the Information Recourse Center at Tashkent State Pedagogical University (Address: 100125, Tashkent city, Chilanzar district, Bunyodkor street, 27. Tel: (99871) 276-79-11; fax: (99871) 276-76-51

Abstract of dissertation is on « 11 » 01 2022 y.
(mailing report register №. 55 on « 11 » 01 2022).


B.S. Abdullayeva
Chairman of the Scientific Council
awarding Scientific Degree, Doctor of
Pedagogical Sciences, Professor

R.G. Isyanov
Scientific Secretary of the Scientific
Council awarding Scientific Degree, Candidate
of Pedagogical Sciences, docent

N. A. Muslimov
Chairman of the Scientific Seminar at the
Scientific Council awarding Scientific Degree,
Doctor of Pedagogical Sciences, Professor

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон олий таълим муассасаларида малакали кадрлар тайёрлаш жараёнига талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг креатив модулли технологиялари таълим жараёнига татбиқ этилмоқда. ЮНЕСКО томонидан қабул қилинган Таълим-2030 декларациясида белгиланган “Ҳамма учун бутун ҳаёт давомида умумий инклюзив ва адолатли сифатли таълим ва тарбияни таъминлаш”¹ вазифаси доирасида фундаментал фанларни ўқитишни такомиллаштириш, бўлажак муҳандисларнинг ўзлаштирилган билимлардан касбий фаолиятда самарали фойдаланиш, техник масалаларни ечиш кўникмаларини ривожлантириш бўйича амалий лойиҳалар бажарилмоқда.

Жаҳон техника олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот марказларида муҳандисларни касбий фаолиятга тайёрлашни такомиллаштириш, талабаларнинг ўқув-тадқиқот фаолияти билан боғлиқ касбий йўналтирилган назарий топшириқларни кенгайтириш, таълим мазмунини танлаш принциплари, мезонлари ва уларни такомиллаштириш, таълим олувчилар учун умуминсоний маданиятни фаол амалий ва ижодий ўзлаштириш муҳитини яратиш, гуманитар ва табиий-илмий билимлар интеграцияси ва фанлараро алоқаларни ўрнатиш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Шу билан бирга, таълим мазмунини ривожланишига таъсир қилувчи ташқи ва ички омилларни такомиллаштириш, касбий фаолиятни иш берувчи талабларига мувофиқ, самарали амалга ошириш имконини берувчи қобилиятларни ривожлантириш бўйича илмий-тадқиқот ишларига алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамизда сўнгги йилларда муҳандис кадрлар тайёрлашнинг устувор йўналишларини белгилаш, таълим соҳасини ривожлантириш, янгича фикрловчи, мустақил фаолият юрита оладиган муҳандис кадрлар тайёрлаш сифатини ошириш, хорижий ҳамкорлар билан кўшма факультетлар, филиаллар очиш ва уларнинг моддий техник базасини шакллантиришнинг меъёрий асослари яратилди. “Узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш йўлини давом эттириш, педагог ва мутахассисларнинг малака даражасини юксалтириш; иш берувчиларнинг эҳтиёжларига жавоб берадиган мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлаш ҳамда олий таълим тизими фаолиятининг сифати ва самарадорлигини ошириш”² устувор вазифа этиб белгиланди. Бу вазифалар ижроси бўлажак муҳандисларнинг касбий-илмий фаолиятида касбий тайёргарлик даражасини, илмий тафаккурини ривожлантиришга йўналтирилган технологияларни компетенциявий ёндашув асосида такомиллаштиришга учун шароит яратади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси

¹ Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон —Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисидаги фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил. 6-сон. 70-модда.

тўғрисида” 2017 йил 7 февралдаги Фармони, ПҚ-2909-сон “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 20 апрелдаги, ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2018 йил 5 июндаги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда, инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Мамлакатимизда касбий компетентликни ривожлантиришнинг мазмун-моҳиятини ёритиш бўйича Б.С.Абдуллаева, Г.А.Альджанова, Ф.Х.Ибрагимова, И.М.Тўхтасинов, С.Ж.Тураев, Д.О.Химматалиев, М.Б.Шодмонова, М.А.Эшмирзаева, А.Р.Жўраев, Д.И.Юнусова, Н.В.Юсупова, Д.Э.Қаршиева кабилар тадқиқотлар олиб борган. Таълимда компетенциявий ёндашувнинг турли жиҳатлари Б.Н.Алимов, М.М.Ваҳобов, Р.Г.Исянов, М.Б.Матназарова, Н.Ш.Рузикулова Ж.Э.Усаров, О.А.Қўйсинав кабиларнинг ишларида кўриб чиқилган. Компетенцияларни самарали ривожлантиришга оид ёндашувлар, компетенцияни ривожлантиришнинг аҳамияти Ф.М.Закирова, Н.А.Муслимов, С.Й.Темуров, М.Б.Уразова кабиларнинг илмий тадқиқотларида ўрганилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатларида А.А.Аданников, Р.А.Блохина, Г.Д.Глейзер, А.Б.Дмитриева, В.В.Кондратьев олий таълим муассасалари битирувчиларининг касбий тайёргарлик сифатини ошириш; Н.И.Кужанова, Ю.Г.Татур, С.А.Татьяненко – касбий компетентликни ривожлантириш назарияси; Л.В.Васяк, А.А.Вербицкий, Р.А.Исаева, И.В.Кузнецова, И.Г.Михайлова кабилар талабаларда касбий компетентликни ривожлантириш бўйича тадқиқот ишлари олиб борган.

Хорижий мамлакатларда F.Delamare ва J.Winterton, Mal Coad, R.Mohan, D.Roy кабилар компетенциявий ёндашув юзасидан дастлабки қарашлар ва унинг бугунги кунда таълим соҳасидаги аҳамиятига оид илмий изланишлар олиб борган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат педагогика университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-20170923121 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” амалий лойиҳаси доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича тавсиялар

ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик имкониятларини таҳлил этиш;

техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш моделини такомиллаштириш;

олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантиришга оид техник масалалар ишлаш бўйича кўникмаларини шакллантириш;

техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш моделининг самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш жараёни танланган бўлиб, тажриба синов ишларида Андижон машинасозлик институти, Жиззах политехника институти ва Фарғона политехника институтидан 449 нафар талаба иштирок этди.

Тадқиқотнинг предмети техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш шакл, метод ва воситалари ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида унинг мақсад ва вазифаларига қаратилган назарий (таҳлилий, қиёсий-таққослаш, аналогия), диагностик (сўровлар, тест ўтказиш, кузатиш), прогностик (умумлаштириш, мавхумлаштириш, аниқлаштириш), педагогик тажриба-синов ва математик усуллар (маълумотларни статистик қайта ишлаш, натижаларни график тасвирлаш ва бошқ.) методлар мажмуи қўлланди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлиги эмоционал-иродавий босқичли ўқитиш тамойилларини адаптив ва рефлексив техник-ижодкорлик муносабатларига валидлигини таъминлаш асосида ривожлантирилган;

техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш модели мазмунли, мақсадли, методологик ва баҳолаш-натижали компонентларнинг касбий-амалий йўналтирилган иждодкорлик барқарорлигига мутаносиблигини таъминлаш асосида такомиллаштирилган;

техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлиги модели иждодий масалаларининг қийинчилик даражаларини таққослаш, синтезлаш, мавхумлаштириш, умумлаштириш ва фанлараро алоқадорлик принциплари бўйича педагогик тафаккурнинг конструктив мазмунига муаммоли-фаолиятли мослаштириш асосида такомиллаштирилган;

олий таълим муассасалари талабаларининг мустақил фаолияти иждодий масалаларни ишлаш кўникмалари диалогик интенсивлиги, жамоадаги эмоционал-педагогик муҳит шароитлари ҳамда ижтимоий компетенцияларга

рационал-технологик интеллектуал салоҳиятни динамик уйғунлаштириш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш модели такомиллаштирилган;

фундаментал фанларни касбий-ижодий ўқитиш асосида касбий амалий йўналтирилган масалалар тизими ишлаб чиқилган;

техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар асосида “Механика” факультети 5320200 - “Машинасозлик технологияси, машинасозлик ишлаб чиқаришни жиҳозлаш ва автомалаштириш” бакалавриат таълим йўналиши учун «Олий математика» ўқув қўлланмаси (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 522-сонли буйруғига асосан) яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги тадқиқотда қўлланган ёндашув ва методлар, фойдаланилган назарий маълумотлар расмий манбалардан олингани, республикамиз ва хорижий давлатлар олимлари, шунингдек, амалиётчи мутахассисларнинг ишларига асослангани, республика ва халқаро илмий-амалий анжуман материаллари, Олий аттестация комиссияси рўйхатига киритилган ва бошқа хорижий илмий журналларда чоп этилган мақолалар, тажриба-синов ишларининг самарадорлиги математик-статистик таҳлил методлари ёрдамида тасдиқлангани, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг методологик асослари, касбий ижодкорлик мазмуни ва уни ривожлантиришнинг дидактик хусусиятлари ўрганилгани билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш модели ҳамда касбий масалалар тўпламидан техника олий таълим муассасалари учун ўқув ва методик қўлланмаларни яратишда фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантиришга оид олинган илмий натижалари асосида:

техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда компетентли, тизимли ва фаолиятли ёндашувларни мазмунли, мотивацион ва эмоционал-иродавий компонентлар уйғунлигини таъминлаш асосида ривожлантиришга оид таклифлар асосида “Олий математика” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 552-сон буйруғига асосан берилган 522-097 рақамли гувоҳнома). Натижада, талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга доир илмий манбаларни педагогик ва психологик таҳлил этиш имконияти кенгайтирилган;

техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш модели мақсадли, методологик, мазмунли ва баҳолаш-натижали компонентлар асосида такомиллаштиришга оид таклифлар ПЗ-2017927124 рақамли “Таълим муассасаларида ҳамкорлик педагогикаси асосида педагогик фаолиятни ривожлантириш” номли амалий лойиҳа доирасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашда фойдаланилган (Тошкент давлат педагогика университетининг 2021 йил 9 сентябрдаги 02-07-2248/04 сон маълумотномаси). Натижада, техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш моделини такомиллаштирилган;

бўлажак муҳандисларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш касбий - амалий йўналтирилган (муаммоли-фаолиятли, ижодий) масалаларни даражалаштириш, таққослаш, таҳлил ва синтез, мавҳумлаштириш, умумлаштириш ва фанлараро алоқадорлик ўрнатиш асосида такомиллаштиришга оид тавсиялар асосида “Олий математика” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 552-сон буйруғига асосан берилган 522-097 рақамли гувоҳнома). Натижада, олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантирувчи техник масалалар ишлаш кўникмаларини шакллантиришга эришилган;

техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда фундаментал билимларни ривожлантириш, мустақил ижодий фаолиятни ташкил этиш, касбий йўналтирилган масалалар ечиш бўйича асосланган таклифлар асосида “Олий математика” номли ўқув қўлланма ишлаб чиқилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил 6 октябрдаги 552-сон буйруғига асосан берилган 522-097-рақамли гувоҳнома). Натижада, техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг дидактик имкониятлари кенгайтирилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 22 та илмий иш, шу жумладан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, шундан 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 3 та боб, хулоса ва тавсиялар, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 131 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти, предмети

тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий-амалий аҳамияти очиб берилган, уларни амалиётга жорий этиш, нашр этилган ишлар ва тузилмаси бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг назарий асослари”** деб номланган биринчи бобида мавжуд ҳолатлар таҳлилидан келиб чиқиб, техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик ва назарий жиҳатлари: таълимда компетенциявий ёндашув, “компетенция” тушунчасининг мазмун-моҳияти, илмий жиҳатдан асосланиши; касбий компетентликни ривожлантириш ижтимоий ва педагогик зарурият сифатида асосланган.

Ҳозирги жамиятни тараққий эттириш босқичида «билимли» таълим ёндашувидан компетентликка йўналтирилган таълим тизимига ўтиш ҳамда битирувчиларнинг эгалланиши кўзда тутилаётган касбга доир шахсий хусусиятларини шакллантириш долзарб педагогик муаммолардан бири сифатида қаралмоқда. Компетенциявий ёндашув таълимда янги тадқиқот йўналиши бўлиб, «компетентлик» ва «компетенция» таълимда компетенциявий ёндашувнинг асосий тушунчаларидир. Компетенциявий ёндашувга асосланган таълим тизимида таълим берувчи ва таълим олувчининг роли ҳам ўзгаради. Биз биламизки, «билимли» ёндашувда таълим берувчи асосий иштирокчига айланади, таълим олувчи эса, пассив қабул қилувчи сифатида иштирок этади ҳамда таълим мақсади таълим олувчининг ҳар бир фандан алоҳида билим, малака ва кўникмаларини шакллантиришга йўналтирилади. Компетенциявий ёндашувда эса, таълим олувчи фаол иштирокчига айланади, бунда унинг таълим олиш фаолияти кўпроқ мустақил - индивидуал топшириқларни бажариш, креатив амалий машғулотларда индивидуал тадқиқот ишларини олиб боришга йўналтирилади ҳамда таълим мақсади таълим олувчининг фанлар бўйича интеграллашган билим, кўникма ва малакаларини шакллантиришга қаратилади. Бундан ташқари, билимли таълим ёндашувида меъёрий-ҳуқуқий асослар сифатида Давлат таълим стандартлари, ўқув ва ишчи режалари, фанларнинг ўқув методик мажмуалари олинса, компетенциявий ёндашувда булар қаторига таълим олувчининг компетент шахс модели қўшилади.

Олий таълим тизимида компетенциявий ёндашувнинг жорий этилиши таълим мақсади, мазмуни, ўқитиш шакли, ўқитиш усуллари, педагогик технологиялари, назорат усуллари ҳамда таълим берувчи ва таълим олувчи ўртасидаги муносабатларида жиддий ўзгаришларни амалга оширишни талаб этади. Компетенциявий ёндашувнинг моҳияти, компетенция, компетентлик ва касбий компетентликни ривожлантиришнинг аҳамияти бўйича кўпгина тадқиқот ва изланишлар олиб борилган. Булар сирасига А.С.Белкин, А.А.Вербицкий, Ф.М.Закирова, М.Д.Илязова, Н.А.Муслимов, А.Х.Махмудов, В.В.Нестеров, С.Й.Темуров, М.Б.Уразова, Ж.Э.Усаров, О.А.Кўйсинов кабиларнинг илмий-тадқиқот ишларини киритиш мумкин.

Масалан, А.Х.Махмудов “Бўлажак магистрларни компетентли тайёрлашнинг дидактик таъминотини такомиллаштириш”, Н.А.Муслимов “Касб таълими ўқитувчисини касбий шакллантиришнинг назарий - методик асослари”, С.Ў.Темуров “Бўлажак математика ўқитувчиларида касбий компетентликни шакллантиришнинг назарий асослари”, О.А.Қўйсенов “Компетенциявий ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг касбий-педагогик ижодкорлигини ривожлантириш” бўйича тадқиқот ишларини олиб борган.

Компетенция, компетентлик тушунчаларига турли хил таърифлар берилган. Уларнинг барчасида таълимнинг аниқ мақсади сифатида талабаларнинг репродуктив, продуктив ва креатив фикрлашларини ривожлантириш асосий ғоя сифатида илгари сурилган. Лекин ҳозирга қадар, уларнинг умумий таърифи келтирилмаган.

“Kompetensiya” лотинча сўз бўлиб, (competo – эришяпман, муносибман, лойиқман) – ўзбек тилидаги луғавий маъноси “қобилият”, “инсон яхши биладиган”, “тажрибага эга бўлган” каби маъноларни билдиради. Бироқ компетенция атамаси билим, кўникма, маҳорат ва қобилиятни ифода этишга хизмат қилади. С.Ў.Темуров тадқиқот ишларида компетенцияга қуйидагича таъриф берган: “компетенция - билим, малака ва шахсий сифатларни маълум соҳада муваффақиятли фаолият учун қўллаш олиш”. А.С.Белкин ва В.В.Нестеровлар “компетенцияни таълим жараёнида самарали фаолият учун зарурий шарт-шароит яратувчи касбий ваколат, функциялар мажмуаси” сифатида таърифлаганлар. Компетенцияни таърифлашга турли ёндашувларни ишлаб чиққан ҳолда, юқорида келтирилган муаллифларнинг ишларини таҳлил қилиб, компетенцияга қуйидагича таъриф берамиз:

Компетенция – бу шахснинг таълим олиши натижасида эгаллаган, шахснинг ўқув-билиш жараёнида мустақил иштирок этишига йўналтирилган, шунингдек, уни меҳнат фаолиятига муваффақиятли жалб этишга қаратилган билим ва тажрибага асосланган фаолиятли қобилияти ва тайёргарлигидир.

Компетенциянинг турларини таснифлашга доир хилма хил ёндашувлар мавжуд. Жумладан, Н.А.Муслимов ва М.Б.Уразова касбий таълим нуқтаи назаридан компетенцияларни қуйидаги турларга ажратадилар: маҳсус компетенция – етарли юқори даражада ўз касбий фаолиятини эгаллаш, кейинги касбий ривожланишини лойиҳалаштира олиш; ижтимоий компетенция – биргаликдаги касбий фаолият, ҳамкорликни эгаллаш, ўз меҳнати натижаларига ижтимоий жавобгарлик; шахсий компетенция – шахсий мустақил акс этиш ва мустақил ривожланиш усуллари, шахснинг касбий деформацияларга қарши туриш воситаларини эгаллаши; индивидуал компетенция – касб доирасида индивидуалликни мустақил қўллаш ва ривожлантириш усуллари эгаллаш, касбий-шахсий ўсиш, мустақил ташкил қилиш ва мустақил реабилитация қилишга тайёргарлик; асосий компетенциялар – мослашиш ва маҳсулдор фаолият учун зарур бўлган шахснинг маданиятлараро ва соҳалараро билим, қобилият ва кўникмалари.

Олий таълим муассасалари битирувчиларининг касбий тайёргарлиги даражасига қўйиладиган талаблар нуқтаи назаридан компетентлик бўлажак

мутахассиснинг муайян вазиятларда билим, малака ва фаолият методлари мажмуасини мақсадга мувофиқ қўллаш қобилиятини англатади. В.Н.Введенский фикрича компетентлик – бу қандайдир шахсий тавсиф, компетенция эса, аниқ касбий ёки функционал тавсифлар мажмуасидир.

Дж.Равен компетентликни бирон бир объект ёки объектлар синфига кўра бирор соҳага тегишлилиги билан баҳолаш керак - деб ҳисоблайди. Илмий адабиётлар таҳлилига кўра “касбий компетентлик” тушунчаси турлича талқин қилинади: В.И.Байденко касбий компетентликни фаолият талабларига мос равишда ҳаракат қилишга, масала ва муаммоларни мустақил ҳал этишга, шу билан бирга, ўз фаолияти натижалари, яъни мос кўникмалар, техник усулларни баҳолай олишга тайёрлиги ва қобилияти сифатида тушунади. Н.А.Муслимов фикрига кўра: касбий компетентлик – мутахассис томонидан касбий фаолиятни амалга ошириш учун зарур бўлган билим, кўникма ва малакаларнинг эгалланиши ва уларни амалда юқори даражада қўллай олинишидир.

Диссертацияда касбий компетентлик бу фундаментал билимларни актуал касбий муаммоларни ечишда қўллашга психологик тайёрлиги; касбий фаолиятда билимларни қўллаш тажрибаси; математик методларни бўлажак касбий фаолиятимасалаларини ечишда муваффақиятли қўллашда ўз имкониятларига ишонч; одатий фаолият доирасидан чиқувчи янгини ўрганиш истаги ва тайёрлиги ҳисобланади деб таърифланган.

Компетенциявий ёндашув нуқтаи назаридан таълим фаолиятининг асосий бевосита натижаси талабаларда умумий компетенцияларни ҳамда касбий компетенцияларни ривожлантириш ҳисобланади.

Муҳандислар меҳнати фан ва техника натижаларини ишлаб чиқаришга татбиқ этишда катта роль ўйнайди ва улар меҳнатининг самараси илм-фан ва технологиянинг сўнгги ютуқларини ишлаб чиқариш жараёнларига жорий этишда кўринади. Шу сабабдан, бугунги кунда техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш муаммоси долзарб ҳисобланади. Бу эса, олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш, таълим мазмунини ривожлантиришга катта аҳамият қаратилишини кўрсатади.

“Таълим мазмуни” тушунчаси кўп компонентли хусусиятга эга бўлиб, ягона талқинга эга эмас ва ҳар қандай таълимий ҳодиса сифатида ўз мақсадлари ва вазифалари билан тавсифланиши керак. У тизимлаштирилган билим ва кўникмалар, ўқув-тарбия ишлари натижасида амалий тайёргарликнинг муайян даражаси сифатида белгиланади. Техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда таълимнинг мақсадлари, умумтаълимий ва махсус йўналишига хос ҳисобланади, яъни умумтаълимий - барча муҳандислик мутахассисликлари учун умумий, махсус - муҳандислик фаолиятининг фақат маълум йўналиши бўйича. Бу таҳлиллардан келиб чиқиб, олий таълим муассасаларида компетентли ёндашув асосида таълим мақсадининг модели шакллантирилди (1-расм).


Олий таълим мазмунининг умумий мақсади олий таълим муассасалари битирувчиларининг муайян тайёргарликларга эга бўлишлари, ўрганилган билим,

куникма ҳамда малакаларни, тушунча ва методларни касбий фаолиятда қўллаш малакасини эгаллашдан иборат бўлиши лозим.




1-расм. Компетентли ёндашувда таълимнинг мақсадли модели

Педагогика фанида таълим мазмунини танлаш принциплари ва мезонлари тизими ишлаб чиқилган. В.А.Сластенин ишларида умумий таълим мазмунини танлашнинг асосий принциплари сифатида таълим мазмунини инсонпарварлаштириш принципи, аввало таълим олувчиларнинг умуминсоний маданиятни фаол ижодий ва амалий ўзлаштиришлари учун шароитлар яратиш билан боғлиқ; фундаменталлаштириш принципи, гуманитар ва табиий илмий билимлар интеграциясига, узлуксизлик ва фанлараро алоқаларни ўрнатишга асосланган. Уларни таҳлилидан келиб чиқиб, техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда таълим мазмунининг асосий тамойиллари орасида куйидагиларни ажратамиз: мазмуннинг жамият талаблари, фан, техника, ишлаб чиқариш ривожланиши даражасига мослиги (ҳар бир ўқув фанининг ўрни, вазифаси ва мазмуни жамият талабларига мос ҳолда буюртма билан белгиланиши); ўқитишнинг мазмунли ва амалий томонлари умумийлигини инобатга олиш (ўқитишда мазмунли дастлабки ва амалий ҳолати); таълим мазмунининг тузилмавий бирлиги. Юқорида келтирилган барча тушунчалар ва таҳлиллар асосида техника олий таълим муассасалари талабаларида касбий компетентликни ривожлантириш асосий компонентлари тузилди (2-расм).



2-расм. Касбий компетенция компонентлари

Тақдим этилган илмий тадқиқот методологиясининг асосини таълимнинг мазмунли, мотивацион, эмоционал-иродавий компонентлари билан бирга компетенциявий, тизимли, фаолиятли методологик ёндашувлар ташкил қилади (3-расм).




3-расм: Методологик ёндашувлар

Педагогикада тизимли ёндашув методологик йўналишни ифодалайди (муайян принцип бўйича яхлит педагогик жараёнда баъзи элементлар гуруҳини ажратувчи ва унинг ичида ҳамда ташқи объектлар, муҳит билан ўзаро алоқаларни кўзда тутувчи). Тизимли ёндашув асосида қуйидагиларни аниқлаш мумкин: тизим элементлари ва қисмларининг таркиби, тизимнинг ташқи алоқаларини аниқлаш, тизимнинг ривожланиши қонуниятлари ва тенденцияларини аниқлаш. Илмий тадқиқотларни таҳлил қилиш тизимли ёндашувдан фойдаланишнинг икки йўналишини аниқлаш имконини берди:

фанлараро тадқиқотлар соҳаси сифатида ягона назарий ва муайян мураккаб

объект истиқболида турли хил билимларни қамраб олиш ва синтезлаш зарурати юзага келадиган назарий йўналган тадқиқотлар; аниқ амалий муаммоларни ҳал этишга йўналтирилган амалий хусусиятдаги тадқиқотлар.

Булардан келиб чиқиб, тизимли ёндашувнинг қуйидаги турларини ажратамиз (4-расм):




4-расм: Тизимли ёндашув турлари

Техника олий таълим муассасалари битирувчиларининг касбий фаолиятдаги тайёргарликлари бўйича билимларини ривожлантиришда ва муҳандисларни тайёрлаш жараёнини ташкил этишда фаолиятли ёндашувдан фойдаланиш аҳамиятлидир. Фаолият тушунчаси билиш назариясининг фундаментал тоифаси ҳисобланади. Моддий диалектикада «фаолият» тушунчаси ижтимоий табиий воқеликни амалий ўзгартиришни англатади. Фаолият остида моддий қадриятларни шакллантириш ва бутун жамоаларнинг меҳнатини ташкил этиш ҳамда таълим ва тарбия бериш (педагогик фаолият), илмий-тадқиқотчилик фаолияти ва бошқалар тушунилади.

Фаолиятли ёндашув фаолият субъекти сифатида талаба шахсини ўзгартиришга олиб келади, таълим мазмунининг фаолиятли элементар бирлиги эса фаолият усули ҳисобланади. Талабаларда назарий фикрлашни ривожлантириш, уларни янги билимларни эгаллаш билан боғлиқ бўлган фаолиятни ташкил қилиш усуллари ўргатиш илмий билимлар тизимини куришга асос бўлади.

Талабаларда назарий ва амалий ҳамда танқидий фикрлашни ривожлантиради. Уларни фундаментал ва касбий билимларни эгаллаш билан боғлиқ бўлган фаолиятни ташкил қилиш усуллари ўргатиш илмий билимлар тизимининг негизини ташкил қилади. Таълимнинг фаолиятли мазмунининг моҳияти предметли мазмун ва ўқитиш шакли ўртасидаги зиддиятларни ҳал этади.

Касбий компетентликка эга бўлган мутахассисни тайёрлаш жараёни қуйидаги фаолиятли компонентларни ўз ичига олади (5-расм)



5-расм. Фаолиятли компонентлар

Юқоридаги келтирилган таҳлиллардан келиб чиқиб, техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда фаолиятли ёндашувнинг қуйидаги қоидаларини ажратиш мумкин: касбий компетентлик фақатгина маълум фаолиятда ифодаланади; касбий компетентликка эгаллик ўзлаштирилган билимлар ва тажрибани у ёки бу вазиятда қўллашга қобилиятли бўлишни англатади; касбий компетентликни ривожлантиришнинг аҳамиятли омили фундаментал таълим ҳисобланади.

Касбий компетентликни ривожлантириш асосида талабаларнинг ижодий қобилиятлари ва илмий изланишлари ҳам ривожланиб боради ва изланишнинг илмий методларидан восита сифатида фойдаланадилар.

Диссертациянинг “**Техника олий таълим муассасалари талабаларида касбий компетентликни ривожлантириш тизими**” деб номланган иккинчи бобида талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришни такомиллаштириш ва амалиётга жорий қилиш тизимини ишлаб чиқиш, ундан фойдаланишнинг методологик жиҳатлари, халқаро баҳолаш дастурларига уйғунлаштириш асосида ўқув ахборотларини ҳажми ва мазмунига кўра танлаш ҳамда уларни тавсифлаш масалалари ўз ифодасини топган.

Талабаларнинг касбий компетентлиги “фундаментал фанлар бўйича билим, кўникма, тажрибаси ва қобилиятлари мажмуи” сифатида баҳоланиб, фундаментал билимлардан фойдаланиб, касбий фаолиятларида учрайдиган турли муаммоларни муваффақиятли ҳал этиш имконини беради. Техника олий таълим муассасалари талабаларида фундаментал билимларнинг ривожланиши даражасини баҳолаш, уларнинг амалий фаолиятга мослиги, келгуси ривожланиши йўналишларини белгилаш мақсадида, назария ҳамда амалиётнинг уйғунлиги фанда ривожланишнинг ихтиёрий босқичида биринчи даражали аҳамиятни касб этади. Булардан келиб чиқиб, техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда фундаментал билимларни ривожлантириш мазмунига қўйиладиган талабларни қуйидагича ажратамиз:

муҳандислар касбий фаолиятларида учрайдиган назарий ва амалий масалаларни ечиш учун зарур бўлган фундаментал билим асосларини билишлари; ўзлаштирилган билимларни амалиётга қўллашни талаб этувчи касбий вазифаларнинг элементларини киритиш; битирувчининг бўлажак касбини инобатга олиб касбий компетентлигини ривожлантиришга хизмат

қилувчи фанлар бўлимларига алоҳида эътибор қаратиш; мантиқий фикрлашни ривожлантириш.

Касбий компетентликни ривожлантиришда бўлажак муҳандисларда рефлексив предметли фаолият асосида репродуктив, продуктив ва креатив характерли амалий билимларини ривожлантириш, ўқув ва касбий фаолият мотивларини шакллантириш каби мақсадлари техник мутахассиснинг касбий компетентлигига бевосита дахлдор ҳисобланади. Бу мақсадлардан эса, қуйидаги вазифалар келиб чиқади: бўлажак муҳандисларда касбий компетентлик сифатларни таркиб топтириш йўлида уларнинг умумий тайёргарлигини ривожлантириш; талабаларда фундаментал билимларнинг касбий фаолиятга боғлиқ тушунчалари ҳақида тасаввурни шакллантириш; талабаларда ўқув материални мустақил ўзлаштириш усуллари ва таҳлил қилиш қобилиятини шакллантириш; талабаларнинг ўзлаштирган ўқув материални турли усуллар орқали тақдим этишни билишни ривожлантириш; бўлажак муҳандисларнинг тадқиқотчилик қобилиятларини таълим жараёнига фаол киритиш йўли билан ривожлантириш.

Техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантиришда масалаларни ечиш катта ўрин эгаллайди. Масалани ечиш жараёни фикрлаш учун хос бўлган операциялар мажмуи: таққослаш, таҳлил ва синтез, мавҳумлаштириш ва умумлаштиришни қўллаш билан амалга оширилади. Масалаларни ечиш нафақат касбий фаолиятни ривожлантириш учун, балки билим, кўникмалар, методлар ва амалларни ўзлаштириш учун самарали ҳисобланади ва таълим жараёнида талабалар назарияни ўзлаштирадидлар, ижодий қобилиятлар ва мустақил фикрлаш ривожланади ҳамда аниқ вазиятларда билимларни қўллаш асосини ташкил этувчи малакалар шаклланади.

Техника олий таълим муассасалари талабаларида касбий компетентликни самарали ривожлантириш мақсадида масалали ёндашувдан фойдаланиш орқали уни амалий масалалар ва касбий йўналтирилган хусусиятдаги масалаларга ажратилади. Амалий масалалар ва касбий йўналтирилган хусусиятдаги масалалардан фойдаланиш фанларга қизиқишни оширади, янги касбий тушунчалар ва методларни ўрганишга мотивация, ўзлаштирилган касбий билимларни мустаҳкамлаш ва чуқурлаштириш, амалий кўникма ва малакаларни ривожлантириш каби дидактик мақсадларга эришишга кўмаклашади. Умумий қилиб айтсак, ўқитиш жараёнида фундаментал фанларни ҳаётда қўллашнинг кўп қирралилигини очиқ беради. Ўқув жараёнида фойдаланадиган масалаларни биз бешта гуруҳларга ажратамиз:

Биринчи гуруҳ - олинган тайёр маълумотни ифодалашга оид масалаларни, яъни асосий билимларни ривожлантиришга оид масалалар;

Иккинчи гуруҳ – тайёр маълумотни мустаҳкамлашга оид масалаларни, яъни асосий билимларни мустаҳкамлашга йўналтирилган масалалар;

Учинчи гуруҳ – тайёр маълумотни ўзгартиришга оид, яъни ижодий фикрлашни ривожлантиришга йўналтирилган масалалар;

Тўртинчи гуруҳ – тайёр маълумотни ўрганишга оид масалалар, яъни тадқиқотчилик малакаларини ривожлантиришга йўналтирилган масалалар;

Бешинчи гуруҳ – касбий хусусиятдаги муаммоларни ҳал этишда маълумотни қўллашга оид масалаларни, яъни касбий компетентликни ривожлантиришга оид масалалар.


Касбий компетентликни ривожлантириш олинган билим ва кўникмаларни нафақат амалиётда қўллашни, балки уларни доимий такомиллаштиришни талаб этади. Мазкур талаб билан боғлиқликда, ўқитиш методларини танлаш тизими ҳам ўзгаради. Ўқитиш методларини танлаш ва амалиётга жорий этиш ҳам, таълим жараёнига қўйиладиган талабларга мувофиқ компетенцияларни такомиллаштиришдан иборат бўлади. Булардан келиб чиқиб, биз ўқитишнинг қуйидаги ИМР методини тавсия этамиз.



6-расм: Изланиш-мустаҳкамлаш-ривожлантириш методи схемаси

Касбий йўналтирилган хусусиятдаги масалалар талабаларда фундаментал ва махсус билимларни шакллантиради, тафаккурни ривожлантиради (анализ, синтез, аналогия, таққослаш, умумлаштириш, аниқлаштиришга ўргатади). Бундан ташқари улар шахс сифатларини шакллантиради (ташкilotчилик, мақсадга интилувчанлик, масъулиятчилик). Энг асосийси: амалий, касбий йўналтирилган мазмунли масалалар талабаларда нафақат фундаментал фанларни ўрганишга, балки бўлажак касбий фаолиятга тайёргарликка мотивацияни шакллантиради.

Ўтказилган таҳлил асосида, техник олий таълим муассасалари талабаларида касбий компетентликни ривожлантиришнинг моделини ишлаб чиқдик. Ишлаб чиқилган моделнинг тузилиши тўртта ўзаро боғлиқ: мақсадли, методологик, мазмунли ва баҳолаш-натижали компонентларда ифодаланган(7-расм).



7-расм- . Техника олий таълим муассасалари талабаларида касбий компетенглигини ривожлантириш модели

Диссертациянинг «**Педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва унинг натижалари**» деб номланган учинчи бобида педагогик тажриба-синов ишларини ташкил этиш ва ўтказиш, тажриба-синов натижаларининг математик-статистик таҳлили ва самарадорлиги ҳақида фикр юритилган.

Техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш асосида тадқиқот жараёнидаги келтирилган илмий ғояларнинг самарадорлигини аниқлашдан келиб чиқиб ўтказилган педагогик тажриба-синовларининг натижалари асосида қуйидаги вазифалар ҳал қилинди:

талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга доир илмий педагогик ва психологик имкониятларини текшириш ва таҳлил қилиш;

тадқиқот жараёнида педагогик тажриба-синов ишлари натижаларининг назарий ва амалий моҳиятини таҳлил қилиш, баҳолаш;

тажриба-синов асосида ташкиллантирилган талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган ўқув фаолиятини кузатиш, таҳлил қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш;

тадқиқот натижасида аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан ишлаб чиқилган методик тавсиялар асосида талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантириш.

Педагогик тажриба-синов ишларига Андижон машинасозлик институти, Жиззах политехника институти ва Фарғона политехника институти техника бакалаврият таълим йўналишларидан 449 нафар талабалар жалб қилинган ва тажриба-синов ишлари уч босқичда ўтказилди: таъкидловчи, изланувчи ва ривожлантирувчи босқичлар. Тажриба-синов давомида талабаларга тест шаклида иккита назорат ишлари таклиф этилди.

Бизнинг тадқиқот ишимизда натижаларни баҳолаш учун 4 та баҳолаш даражалари, яъни градациялари сони 4 та бўлиб, улар билимларнинг шаклланганлигининг қониқарсиз, қониқарли, яхши ва аъло даража каби градациялардир. (1-жадвал):

1-жадвал

Талабаларнинг касбий компетентлиги ривожланганлик даражаси:

Паст (қониқарсиз)	Материал мазмунини ўзлаштирмаган ва амалиётга тадбиқ эта олмаган
Ўрта (қониқарли)	Материал мазмунини қисман ўзлаштирган ва ёрдам билан амалиётга тадбиқ эта олади
яхши	Материал мазмунини ўзлаштирган ва қисман ёрдам билан амалиётга тадбиқ эта олган
Юқори(аъло)	Материал мазмунини тўлиқ ўзлаштирган ва амалиётга тадбиқ эта олган



Ўтказилган тажриба-синов ишларининг таҳлилларидан келиб чиқиб талабаларнинг касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган ғояларнинг самарали натижаларга эга эканлигини математик-статистика усулларидан фойдаланиб кўрсатиб берилади. Тажриба синов ишларининг натижалари асосида даражалар бўйича статистик таҳлил:

талабаларнинг фундаментал фанлар бўйича асосий билимлари даражасини аниқлаш ва бир содда вазиятдан билимларни бошқасига кўчириш малакаси шаклланганлик даражасини аниқлаш ҳамда касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича касбий фаолиятга оид масалалар ечимларининг амалий аҳамиятини фанлараро ўзаро ҳамкорликда ўрганиш, ўтказилган тажриба-синов ишлари натижаларини статистик таҳлил қилиш асосида олиб борилди.

Талабаларнинг эгаллаган билим даражаси натижавийлигини аниқлаш мақсадида қуйидаги гипотезалар текшириш асосида солиштирилди:

H_0 : назорат ва тажриба гуруҳларда асосий билимлари даражаси, яъни бир содда вазиятдан билимларни бошқасига кўчириш малакаси шаклланганлиги, ёки билим, кўникма ва малакаларни касбий йўналтирилган хусусиятдаги масалаларни ечишда қўллашга тайёрлик бўйича ҳақиқий фарқлар мавжуд эмас;

H_1 : назорат ва тажриба гуруҳларда асосий билимлари даражаси, яъни бир содда вазиятдан билимларни бошқасига кўчириш малакаси шаклланганлиги, ёки билим, кўникма ва малакаларни касбий йўналтирилган хусусиятдаги масалаларни ечишда қўллашга тайёргарлик бўйича ҳақиқий фарқлар мавжуд. Тажриба якунида танлаб олинган гуруҳларнинг ўзлаштириш даражалари аниқланган(8-расм).



8-расм: Татқиқот давомида олинган самарадорликнинг умумий кўрсаткичлари

ХУЛОСА

1. Тадқиқот давомида, техника олий таълим муассасалари талабаларида касбий компетентлигини ривожлантириш муаммоси педагогика назарияси ва амалиётида долзарб ҳисобланиши аниқланди. Мазкур муаммо бўйича илмий ишлар таҳлили уни тизимли ва фаолиятли ёндашувлар нуктаи назаридан ҳал этиш имкони аниқланди.

2. Тадқиқот иши таълим сифатини оширишнинг асоси ҳисобланган техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантириш моҳияти, хусусиятлари ва компонентли ташкил этувчилари аниқланди

3. Техника олий таълим муассасалари талабаларининг касбий компетентлигини ривожлантиришнинг самарадорлигини таъминловчи олий таълим муассасаларида таълим мазмунини шакллантиришни танлашнинг асосий принциплари аниқланган ва такомиллаштирилган.

4. Ишлаб чиқилган модель (функциялар, масалалар, принциплар, фаолиятли ёндашувни амалга ошириш босқичлари, касбий йўналтирилган хусусиятдаги масалаларни танлаш вазифалари ва мезонлари) бўлажак муҳандисларда касбий компетентлигини ривожлантиришнинг яхлитлигини таъминлайди. Натижада техника олий таълим муассасалари талабаларида касбий компетентлиги ривожлантирилди.

5. Касбий компетентлигини ривожлантиришга қаратилган касбий йўналтирилган масалалар тизими ҳамда бўлажак муҳандисларни масалалар ечишга ўргатиш усуллари ишлаб чиқилди. Асосланган ва ишлаб чиқилган техника олий таълим муассасалари талабаларида касбий йўналтирилган масалалар тизими орқали касбий компетентлигини ривожлантириш ва уни амалга ошириш педагогик шароитлари техника олий таълим муассасаларида ўқитиш жиҳатлари такомиллаштирилди.

6. Ўқитиш жараёнида техника олий таълим муассасалари талабаларида касбий компетентлигини ривожлантириш бўйича ушбу тадқиқот иши юзасидан ишлаб чиқилган моделни таълим жараёнига татбиқ этиш самарадорлиги 15% ни ташкил этди. Ўтказилган педагогик тажриба-синов, ишлаб чиқилган касбий йўналтирилган масалалар мажмуини ўқитиш амалиётини мақсадга мувофиқ киритиш ўзлаштирилган билимлар сифатининг ошиши ва мотивацион компонент шаклланганлиги даражасини ошишига ёрдам бериши аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
DSc.03/30.01. 2020.PED.26.01 ПРИ ТАШКЕНТСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ ПЕДАГОГИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

ФАЙЗУЛЛАЕВ ЖАМШИД ИСМОИЛЖОНОВИЧ

**РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ
СТУДЕНТОВ ТЕХНИЧЕСКИХ ВЫСШИХ ОБРАЗОВАТЕЛЬНЫХ
УЧРЕЖДЕНИЙ**

13.00.01 –Теория педагогики. История педагогических учений

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ПЕДАГОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2021.3.Phd/Ped1413.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном педагогическом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу (tdpu_kengash@edu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу (www.ziynet.uz).

Научный руководитель:

Халиков Аъзам Абдусаломович
доктор педагогических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Карлыбаева Гулжахон Ермакбаевна
доктор педагогических наук

Рахматова Феруза Абулкосимовна
доктор философии по педагогическим наукам, (PhD), доцент

Ведущая организация:


Самаркандский государственный университет

Защита диссертации состоится «22» 01 2022 года в 8⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.01.2020.Ped.26.01 при Ташкентском государственном педагогическом университете (Адрес: 100185, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, 27 дом. Тел.:(99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51, e-mail: tdpu_kengash@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного педагогического университета (зарегистрирована за №1463). Адрес: 100011, город Ташкент, Чиланзарский район, улица Бунёдкор, 27 дом. Тел.: (99871) 276-79-11; факс: (99871) 276-76-51

Автореферат диссертации разослан «11» 01 2022 года.

(протокол реестра рассылки № 55 от «01» 01 2022 года).



Б.С.Абдуллаева

Председатель Научного совета по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

Р.Г. Исянов

Ученый секретарь Научного совета по присуждению ученых степеней, к.п.н., доцент

Н.А.Муслимов

Председатель Научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.п.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В высших образовательных учреждениях мира в процесс подготовки квалифицированных кадров внедряются креативные модульные технологии развития профессиональной компетентности студентов. В рамках задачи “обеспечение всеобщего инклюзивного и справедливого качественного образования и обучения на протяжении всей жизни”³, определенной в декларации Образование - 2030, принятой ЮНЕСКО реализуются практически все проекты по совершенствованию преподавания фундаментальных наук, развитию навыков будущих инженеров по эффективному использованию усвоенных знаний в профессиональной деятельности, решению технических вопросов.

В технических высших образовательных учреждениях и научно-исследовательских центрах мира проводятся научные исследования по совершенствованию подготовки инженеров к профессиональной деятельности; расширению профессионально ориентированных теоретических заданий, связанных с учебно-исследовательской деятельностью студентов; принципам, критериям выбора содержания образования и их совершенствованию; созданию для обучаемых среды активного практического и творческого усвоения общечеловеческой культуры; интеграции гуманитарных и естественнонаучных знаний и установлению междисциплинарных связей. Вместе с тем, обращается особое внимание научно-исследовательским работам в области совершенствования внутренних и внешних факторов, оказывающих влияние на развитие содержания образования, развития способностей, позволяющих эффективное, в соответствии с требованиями работодателей осуществление профессиональной деятельности.

В нашей республике в последние годы созданы нормативные основы определения приоритетных направлений подготовки инженерных кадров, развития сферы образования, повышения качества подготовки специалистов, способных мыслить по-новому, осуществлять самостоятельную деятельность, создания совместных факультетов и филиалов с зарубежными партнерами и формированию их материально-технической базы. В качестве приоритетными определены задачи “продолжение курса дальнейшего совершенствования системы непрерывного образования, повышения доступности качественных образовательных услуг, подготовки высококвалифицированных кадров в соответствии с современными потребностями рынка труда; повышение качества и эффективности деятельности высших образовательных учреждений...”⁴ Реализация данных задач создаст условия для совершенствования на основе компетентностного подхода технологий, ориентированных на развитие профессиональной подготовки, научного мышления будущих инженеров в профессионально-научной деятельности.

³ Incheon Declaration/Education 2030: Towards inclusive and equitable quality education and lifelong learning for all (World Education Forum, 19-22 may 2015, Incheon, Republic of Korea).

⁴ Указ Президента Республики Узбекистан. О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан. УП-4947. 7 февраля 2017 года. Собрание законодательства Республики Узбекистан, 2017 г., № 6, ст. 70.

Данная диссертация в определённой степени служит решению задач, обозначенных в Указе Президента Республики Узбекистан УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан» от 7 февраля 2017 года, в постановлениях Президента Республики Узбекистан №УП-2909 «О мерах по дальнейшему развитию системы высшего образования» от 20 апреля 2017 года, №УП-3775 «О дополнительных мерах по повышению качества образования в высших учебных заведениях и обеспечению их активного участия в широкомасштабных реформах, проводимых в стране» от 5 июня 2018 года, а также в других нормативно-правовых актах, связанных с данной сферой деятельности.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий Республики Узбекистан. Исследование проводилось в рамках первого приоритета развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей социального, правового, экономического, культурного, духовно-нравственного развития информационного общества и демократического государства и пути их реализации».

Степень изученности проблемы. В нашей стране исследования в области освещения сути и содержания развития профессиональной компетентности проводили Б.С.Абдуллаева, Г.А.Альджанова, Ф.Х.Ибрагимова, И.М.Тухтасинов, С.Ж.Тураев, Д.О.Химматалиев, М.Б.Шодмонова, М.А.Эшмирзаева, А.Р.Жураев, Д.И.Юнусова, Н.В.Юсупова, Д.Э.Каршиева и др. Различные аспекты компетентного подхода в образовании рассмотрены в трудах исследователей, как Б.Н.Алимов, М.М.Вахобов, Р.Г.Исянов, М.Б.Матназарова, Н.Ш.Рузикулова Ж.Э.Усаров, О.А.Куйсинов. Подходы к эффективному развитию компетенций, значимость развития компетенций изучены в научных работах Ф.М.Закировой, Н.А.Муслимова, С.Й.Темурова, М.Б.Уразовой и др.

В странах Содружества Независимых Государств исследовательские работы в области повышения качества профессиональной подготовки выпускников высших образовательных учреждений проодили А.А.Аданников, Р.А.Блохина, Г.Д.Глейзер, А.Б.Дмитриева, В.В.Кондратьев; теории развития профессиональной компетентности – Н.И.Кужанова, Ю.Г.Татур, С.А.Татьяненко; развития профессиональной компетентности студентов – Л.В.Васяк, А.А.Вербицкий, Р.А.Исаева, И.В.Кузнецова, И.Г. Михайлова и др.

